БАДИИЙ АСАР МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ УСУЛЛАРИ

Сафо Матчонов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида бадиий асарлар таҳлили юзасидан матн устида олиб бориладиган ишлар ўқувчиларнинг ўқиш ва адабиёт дарсларида ўзлаштирадиган билимлари, кўникма ва малакалари хусусида сўз юритилади. Хусусан, шарҳли ўқиш, изоҳли ўқиш, адабий ўқиш, бадиий ўқиш, ифодали ўқиш усулларининг педагогик имкониятлари ёритилади.

Калит сўзлар: бадиий матн, адабий-эстетик таҳлил, шарҳли ўқиш, изоҳли ўқиш, адабий ўқиш, бадиий ўқиш, ифодали ўқиш, бадиий ижод қонуниятлари, адабиётшунослик, дидактика, компетенция, таққослаш.

METHODS OF WORKING ON THE TEXT OF LITERARY WORK

Safo Matchonov
Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article discusses the knowledge, skills, and competencies that students acquire in reading and literature classes as a result of the work being done on text analysis in general secondary schools. In particular, the pedagogical possibilities of interpretive reading, commentary reading, literary reading, art reading, expressive reading methods are discussed.

Keywords: literary text, literary-aesthetic analysis, commentary reading, commentary reading, literary reading, artistic reading, expressive reading, laws of artistic creation, literary criticism, didactics, competence, comparison.

КИРИШ

Ўқувчиларни бадиий асар матни устида ишлашга ўргатиш уларда адабий-эстетик таҳлил малакасини шакллантириш орқали таълим-тарбия беришни назарда тутади. Бадиий асар таҳлили ёзувчининг ўша асарни яратиш жараёнидаги ижодий йўлини қайта босиб ўтиш, муаллиф фикрлари, ҳиссиёти ва хулосаларига шерик бўлиш, айни пайтда унинг ютуқларидан руҳланиш, камчиликларига танқидий муносабат билдиришдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Таҳлил асарни нафақат тушуниш, балки ўзлаштириш орқали маънавий-ахлоқий баркамолликка эришишга қаратилган фаолиятдир. Уни баъзи олимлар, масалан, А.Зуннунов бадиий асарни ўзлаштириш асоси деб билса (1,133), айрим олимлар, хусусан, М.Мирқосимова адабий матннинг бадиий хусусиятларини ўрганиш усули деган фикрни илгари суради (3, 15).

Ўқувчи мутолаа чоғида асар мазмуни билан танишса, таҳлил пайтида поэтикасига мурожаат қилади. Мутолаа ҳиссиётни бойитиб, ақлни пешласа, таҳлил матн тизимидаги маънони чуқур ўрганишга ёрдам беради. Ўқувчи таҳлил воситасида конкрет асарни ўрганибгина қолмасдан, адабиётшунослик, мантиқ, тилшунослик, дидактика, санъат, фалсафа каби турли фанларнинг бадиий ижодга боғлиқ қонуниятлари билан ҳам танишади. Бунга эришишда ўқитувчининг қуйидаги масалаларни ҳал этиши назарда тутилади:

1. Таҳлилнинг мақсади ва мазмунини аниқлаш.

2. Ишни ташкил қилиш (асар таҳлилининг дарслар бўйича тақсимоти, топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш).

3. Асарнинг қандай методлар асосида ўрганилишини, ўқувчилар эгаллайдиган малака ва компетенциялар доирасини белгилаш.

Адабий-эстетик таҳлил ҳар бир асарнинг жанрий хусусиятлари, ўқувчилар ёши, билими ва эгаллаган малакаларига кўра ўзига хослик касб этади. Масалан, қуйи синфларда топишмоқ предмет, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликни таққослаш орқали ўзлаштирилса, мақоллар мазмуни ҳаётий мисоллар воситасида шарҳлангандагина тушунарли бўлади. Чунки кичик ёшдаги болалар воқеалар оқимига, саргузаштларга ишқибоз бўлса, катта ёшлилар қаҳрамонларнинг руҳий олами, ички дунёсига қизиқадилар. Асар воқеаларини таҳлиллаш орқали тарбиялаш 5-6- синфларда давом этади. Чунки бу ёшдаги ўқувчилар оқни оқ, қорани қора, яхшини яхши, ёмонни ёмон тарзида конкрет тушунадилар, аммо инсоннинг мураккаб ички дунёси улар учун мавҳумлигича қолаверади. Шернинг ботирлиги-ю, тулкининг айёрлиги, қуённинг қўрқоқлиги-ю, итнинг вафодорлиги уларнинг тажрибасидан яхши маълум. Ҳайвонларга хос бундай сифатлар эртак ва масал қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларида, нутқларида ёрқин акс этган. Лекин улар ўз ҳолича тасвирланмайди, балки бошқа қаҳрамонлар ўртасида кечадиган зиддиятларни англашга ёрдам беради.

Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш бадиий матн устида ишлашнинг турли шакл ва методларидан фойдаланишни шарт қилиб қўяди. Масалан, илк таҳлилий кўникмалар бошланғич синфнинг ўқиш ва она

тили дарсларида матн мазмуни юзасидан савол-жавоб асосида, шунингдек, тўлиқ, қисқартириб, ижодий ва шахсини ўзгартириб ҳикоялаш воситасида ҳосил қилинади. Натижада ўқувчилар матн заминидаги етакчи маънони аниқлаш, асар нафосатини ҳис этиш малакасини эгаллайдилар. Ўрта ва юқори синфларда эса матн устида ишлашда иншо, реферат, баён, тақриз, маъруза матнини тайёрлаш каби тш турлари кенг қўлланилади.

Бадиий асарлар жанр хусусиятлари ва дастур талабларига кўра синфда ўқитувчи назорати остида, уйда мустақил тарзда ўқилади. Синфда овоз чиқариб, овоз чиқармай ичда, жўр бўлиб, шарҳли, ифодали, адабий-бадиий ўқиш усулларида мутолаа қилинади. Қуйида уларнинг айримларига тўхталамиз:

Шарҳли ўқиш. Шарҳли ўқиш тарихий-мемуар, айрим ҳолларда замонавий мавзудаги асарлар мазмунини ўзлаштиришни тақозо этади. Шарҳли ўқиш луғат устида ишлашни англатмайди, балки асардаги образли ифодалар, мақол ва маталлар мазмунини шарҳлаш, тарихий-афсонавий, хаёлий-фантастик тимсоллар ҳақида маълумотлар бериш, изоҳлаш каби мураккаб масалаларни қамраб олади. Масалан, Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” (5- синф) қасидасидаги “Икки ярим аср дунёни зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир”, “осмон илми туғилган илк бор Кўрагоний жадвалларида” мисралари шарҳланмаса, мазкур шеърда тилга олинган Беруний, Чингизхон, Жалолиддин Мангуберди, Собир Раҳимов, Ҳабиб Абдуллаев каби тарихий шахслар ёхуд Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” (6- синф) қасидасида келтирилган Афросиёб, Ўрхун хати, Сарбадор, Зардушт, Будда атамалари тўғрисида маълумот берилмаса, ўқувчилар ўша асарларнинг мазмунини тушуниб етмайдилар.

Адабий ўқиш. Адабий асарнинг бадиий-эстетик моҳияти ундаги қаҳрамонлар, саҳналар, табиат тасвирлари, диалоглар ва бошқа турли компонентларнинг мураккаб тартибини ўрганиш, шарҳлаш орқали ўзлаштирилади. “Бадиий асарни грамматик ва поэтик қонун-қоидаларга риоя қилиб ўқиш адабий ўқиш дейилади. Адабий ўқишнинг асосий вазифаси бирор асарнинг поэтик ва бадиий хусусиятларини очиб беришдан иборат” (2, 52). Бу эса адабий ўқишнинг методик характер касб этишини кўрсатади. Бадиий матн устида ишлаш жараёнида ўқитувчининг вазифаси асарнинг поэтик мазмунини таҳлил қилиш, мавзуси ва тасвир предметини тушунтириш, қаламга олинган ҳаёт воқелигига муаллиф муносабатини аниқлашдан иборат.

Бу вазифани амалга оширишда ифодали ўқиш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, ўқишнинг бу турини асар маъно-мазмунини ҳиссиёт ва фикр уйғунлашган жонли нутқ орқали ўқувчига етказиш усули дейиш мумкин.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМАЛАР

Бадиий асарни ифодали ўқишда унинг ўзига хос ички жанрий хусусиятлари ва муаллиф услубини инобатга олиш талаб этилади. А.Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси билан Усмон Носирнинг “Юр, тоғларга чиқайлик” шеърини, Муқимийнинг “Танобчилар” сатирик асари билан Ўткир Ҳошимовнинг “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясини ёки Алишер Навоийнинг фалсафий ғазаллари билан Ҳамид Олимжон ҳамда Ғафур Ғуломнинг кўтаринки характердаги ҳикматлари ўқилиши жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Драматик асарлар саҳнага қўйишга мўлжаллаб яратилгани ва фақат актёрлар ижросидагина ўзининг эстетик, тарбиявий вазифасини тўла бажаргани, насрий асарлар табиатан якка тартибда ўқишни тақозо этгани каби, шеърий асарлар ифодали ўқилгандагина юракдан ҳис қилинади. Демак, бадиий асарлар тадқиқи ва таҳлилида ҳам турли усуллардан фойдаланилади. Аммо бундай усулларнинг бирини шеърият, иккинчисини наср, учинчисини драматургия учун қатъий чегаралаб бўлмаганидек, жамики асарларни фақат бир хил шакл ва мазмунда, ягона нутқтаи назар асосидп ўрганиш мумкин эмас.

Шеърий асарлар таҳлили ифодали ўқишсиз мукаммал бўлмайди. Бинобарин ифодали ўқиш таҳлил воситаси ҳамдир. У кўп ҳолларда батафсил изоҳлашдан афзал туради ва ўқувчиларни бадиий асар матни билан таништиришнинг бирламчи амалий методи ҳисобланади. Ўзбек адабиёти илмига катта ҳисса қўшган Элбек ва атоқли шоир, зукко шеършунос Мақсуд Шайхзоданинг лирик шеърият маъносида “юрак шеъри” ва “рубобий шеър” ибораларини ишлатиши бежиз эмас.

Умумтаълим мактаблари ва академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари адабиёт дастурларидан ўрин олган асарларнинг катта қисми шеърият намуналари экани унинг адабиётимиз тарихидаги мавқеи, тарихий тараққиёти туфайлидир. Афсуски, дастурларда шеър матни, хусусан, поэтикаси устида ишлашга жуда кам эътибор берилади. Шеърий матнлар сўнгида илова қилинган савол-топшириқларнинг аксариятида шеърни ёдлаш, ундаги ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришларни топиш ва белгилаш сўралган, холос. Масалан, А. Ориповнинг “Иқболи буюксан”, Қудрат Ҳикматнинг “Қиш тўзғитар момиқ пар”, Т.Адашбоевнинг “Қиш” каби кўплаб шеърлари юзасидан тузилган савол-топшириқларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

“Сир эмас, шеърий асар таҳлили насрий ёки драматик асарларга нисбатан шоирнинг ички кечинмалари билан боғлиқлиги туфайли қийинчилик туғдиради” (4. 66).

Асарнинг бадиий ифодаларига доир таҳлил ўқувчиларнинг нутқ маданиятини эгаллашларини таъминлайди. Шунинг учун ҳам айни мақсадга қаратилган топшириқлар тизимли усулда амалга оширишни тақозо қилади. Масалан:

1. Кузбор Маликнинг Малика Ойчечакка кўрсатган эҳтиромларини ифодалаган сўз ва ибораларни аниқлаб, луғат дафтарингизга ёзинг ва тақдимотга чиқинг *(эҳтиром ила бош эгди, тиз чўкди, буюринг, садоқат ила, "Сиз буюк Хоразмшоҳ рафиқаси, мен қулингизман, эътирозга оғиз жуфтламоқчи бўлди, бош устига, таъзим ила).*

2. Малика Ойчечакнинг Кузборга кўрсатган эҳтиромини ифодаловчи сўз ва ибораларни аниқлаб, луғат дафтарингизга ёзинг ва тақдимотга чиқинг *(ёнидан жой кўрсатди, оға, ўтиринг, миннатдорчилик билан унга қаради, уни юз-хотир қилманг).*

3. Малика Ойчечакнинг оналик тилакларини ифодаловчи сўз ва ибораларни аниқлаб, луғат дафтарингизга ёзинг ва тақдимотга чиқинг *(инжиқ-тантиқ шаҳзода бўлмасин, чинакам баҳодир йигит бўлсин, алп йигит бўлсин, зеҳни ўткир, Жалолиддин валиаҳд, бугундан шогирдингиз, ўқувчингиз*)

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, бадиий асарни ўқиш турлари ундаги ҳар бир сўз, ибора ва жумлани қироат билан, тўғри, равон ўқишгина эмас, балки матннинг умумий руҳига кириб, тушуниб ўқишни ҳам англатади, асарнинг жанрий хусусиятларидан ташқари, ўзига хос ички тузилиши ва руҳиятини ҳисобга олишни ҳам тақозо этади. Бунга эришиш учун ўқувчиларни матн устида жиддий ишлашга ўргатиш зарур.

REFERENCES

1. Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т: Ўқитувчи, 1992.
2. Иномхўжаев С., Зуннунов А. Ифодали ўқиш асослари. –Т.: Ўқитувчи. 1978.
3. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. –Т.: Фан, 1995.
4. Шерматова С. (2020). Умумий ўрта таълим мактабларида тарихий, адаби-бадиий манбалар воситасида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Тошкент, Yangi yo`l poligraf servis, 80.
5. Machonov S., Shojalilov A., G`ulomova X., Sariyev Sh., Dolomov Z. O`qish kitobi. 4- sinf uchun. Yangi yo`l poligraf servis. 2020.

6. Ikromova R., G`ulomova X. va b. Ona tili. 4-sinf uchun darslik. –T.: O`qituvchi. 2020.
7. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука, 5*(14), 26-28.
8. Матчонов С. (2020). Адабиёт дарсларида таҳлил ва талқин уйғунлиги. *Тил ва адабиёт таълими. 7*(7), 8-11.
9. Матчонов С. (2020). Адабий таълим тизимини технологиялаштириш ва бадиий-эстетик тафаккур муаммолари. *Низомий номидаги ТДПУ Илмий ахборотлар 2020 1*(1), 49-53-бет.
10. Шерматова У.С. (2019). Чўлпон лирикасини ўрганиш технологияси. *Tafakkur ziyosi, 2*(2), 29-32.
11. Ботирова Ш.И. (2020). Роль художественного психологизма в метафорической гармонизации реальности человека и жизни. *Преподавание языка и литературы, 10*(10), 64-66.
12. Shermatova U. (2020). The light of nights without a day. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. *4*(4), 112-117.
13. Шерматова У.С. (2020). НАУКА И МИР. *Международный научный журнал, 4*(80), Том 2, 57-62.
14. Sobitova T. (2020). Orzigul dostonidagi ma`naviy va lafziy san`atlar. *Ilmiy axborotnoma SamDU, 8*(4), 56-63.
15. Sobitova T. (2020). Yoshlar ma`naviyatini yuksaltirishda xalq og`zaki ijodining o`rni. *Тил ва адабиёт таълими. 5*(5), 26.
16. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 8*(10), 129-133.
17. Bakiyeva H. (2019). Developing articulation of elementary class students using independent work methodology. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. 7*(6), 14-16.
18. Боқиева Ҳ. (2010). Бошланғич синфларда ҳолат феъллари иштирокида ўқувчилар луғат бойлигини ошириш. *Педагогик таълим, 3*(3), 28-32.
19. Боқиева Ҳ. (2013). Бошланғич синфда иборалар устида ишлаш. *Педагогик таълим, 1*(1), 62-66.